

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 24 (1088)

2016-yil, 10-iyun, juma

ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТДА байрам шукуҳи

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ҳар бир халқнинг кечмишида фавқулод-да аҳамият ва қимматга молик шонли кунлари, таъбир жоиз бўлса, жамият ҳаётининг кескин бурилиш нуқталари бўлади. Баайни йўлдан адашган, эҳтимол адаштирилган эл ногаҳон ўзга мақсад-манзиллар томон юз тутганини англаб олади, воқеликдан ачиқ хулосалар чиқарган ҳолда, асл тутумларга амал қилиш тадоригига тушиб қолади. Аммо қандай кечажак бу жараён? Ёмгирдан қочиб, дўлга тутилиш юз бермайдими? Зеро, ният қанчалик эзгу бўлмасин, уни тўла-қонли амалга ошириш тизими ишга тушмас экан, унинг собит раҳнамолари, фидойи йўлбошчилари, ғоя атрофига бирлашган меҳнаткаш эли бўлмас экан, ният юксиз гап, тутуриқсиз ваъдага менгзаб қолаверади.

Биз энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик қўнининг чорак асрлик тўйини кутиб олмоқдамиз. Юртда, элда байрам шукуҳи. Ахир байрам овоз ва обод юртга, бутунги тинч-хотиржам ҳаётдан кўнгли тўк, эртанги кунига ишончи устувор халққа ярашади.

Айём арафаси сабаб, дўшнинг бундай бир ёнбошга олиб қўйиб, мулоҳаза юритиб қўрадиган бўлсак, айнан 1991 йилнинг 1 сентябри мамлакатимизнинг, миллатимизнинг, халқимизнинг яқин юз-юз эллик йиллик тарихидаги энг муҳим, энг бебаҳо ва энг қадрли кун эканлигига иқдор бўламиз.

Ҳа, дастлаб, гарчанд кўндан қутилган бўлса-да, сокин кўкда ногоҳ чакнаган чакмоқдай таассурот уйғотган сана бизнинг онг-шууримиз, тафаккуримиз, қолаверса, калбимизга ўз истилоҳларини олиб кирди.

Қандай бўлар экан расман эркин яшаш?

Ахир биз шундай кунларни кўрдикки, бутун эсласанг, номусдан қизариб кетасан, ҳатто кўнгилдан "Ростданам шундай бўлганди-я. Хўп ғалати замонлар экан-да", деган юпатувчи ўй ҳам ўтади. Бунинг бутунги авлод тасаввур этиши мушкул, аммо йўқчиликка асосланган шўро даврида одамлар ўз камбағалликлари билан, ота-бобоси, авлодлари фақир ўтганлиги билан фахрланишарди, анкеталарда бунинг гурури билан қайд ҳам этишарди: баайни ижтимоий келиб чиқиши амал пиллапоясидан кўтарилишининг кафолатиди. Шўро етмиш йил хусусий мулкни, ириб-чириб бораётган капитализмга хос "хусусий мулкчилик психологиясини" аймай сўқиб келди, мол-мулкдан маҳрум, билак кучидан ўзга бойлиги йўқ, кашшоқ Кўкан батраклари замон қаҳрамонлари қилиб кўрсатди. Бутун бошли мамлакатдаги ер, мулк, завод-фабрикалар — барча-барчаси ҳамманики, яъни аслида ҳеч кимники бўлмади қолди. Ваҳоланки, айнан ўрта қатлам, яъни мамлакатдаги тинчлик-осойишталикдан манфаатдор мулк эгалари жамият тараққиётининг тиргакларидан бири эканлигини бутун баърият ҳаёти кўрсатиб турибди. Мисол излаб узоққа бориб ўтирмайлик, бутунги кунда юртимиздаги иш билан банд аҳолининг деярли 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасида меҳнат қилиб, мамлакатимиз равангига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

2>

Қадрли юртдошлар!
Азиз муштарийлар!

"Adolat"

ижтимоий-сиёсий газетаси —
маънавиятимизни янада бойитишда,
ижтимоий фаоллигимизни оширишда,
жамиятни демократлаштириш,
фуқаролик позициясини
шакллантириш йўлида
замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан
бажараётган хайрли ишларнинг фаол
тарғиботчиси.

Газетамизга 2016 йилнинг иккинчи ярим
йиллиги учун обуна давом этмоқда.

Обуна бўлинг!

"Adolat"нинг нашр индекси — 100


25 йил:



МУСТАҚИЛЛИК ВА
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ВОДИЙНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАСЛИ



Фарғона нафақат вилоятнинг, балки водийнинг марказий ва гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу шаҳарнинг бунёд этилиши, ташкил топган вақти хусусида тарихий манбаларда турли хил маълумотлар келтирилади. Айрим тарихчилар унинг ташкил топган вақтини 1877 йил деб белгилайдилар ва шаҳар чор Россияси босқинидан кейин қурила бошланган, деган фикрни илгари сурадилар. Бу мутлақо нотўғри маълумот. Чунки шаҳарнинг бунёд этилиши олис қадимият билан боғлиқ. Унинг қадимий шаҳар эканлиги хусусида "Табақати Тоҳирий", "Мулаҳақот ус-суруҳ", "Қомус ул-авлом", "Ажойиб ул-булдон", "Шоҳнома" каби асарларда аниқ маълумотлар урин олган.

Жумладан, Исроҳон Жунайдулло хожа ўғли Ибрат "Фарғона тарихи" асарида юқоридаги маълумотларга асосланиб бундай деб ёзади: "Низом ул-тарихи" Қозий Байзавийдан "Равзат ус-сафо" хикоя қиладур: Кубод ва Афросиёб вақтида Фарғона бино бўлган бўлса, ҳазрати Сулаймон вақтлари экан. Ҳазрати Сулаймон хилқати Одамдан беш минг йил кейин эди. Алҳолда хилқати Одамдан етти минг тўрт юз йил кўпроқ ўтди. Бу ҳисобда Фарғонани бино бўлганига икки минг беш юзларга яқин бўлса керакдур. Баҳархол бу Фарғона Кубод, Нуширвон, Афросиёб ва Искандарлардан қол-

ғон эски шаҳарлиги маълум бўлади". Фарғонанинг шаҳарсозлик тарихи олис ўтмиш билан боғлиқлигини археолог олимлар Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан бу ерда олиб борган археологик казишмалари натижасида аниқлади. Шаҳар бағридаги тепаликлар ва тарихий иншоотлар остида Фарғонанинг қадимий қалъа, қўрғонлари вайронлари қўмилиб ётганлиги маълум бўлди. Яъни, бу ерда шаҳарсозлик маданияти милоддан олдинги даврларда бошланганлиги ва у ўрта асрларга қадар давом этиб келганлиги археологик тадқиқотлар натижасида исботланди.

5>



ЎСИМЛИК ДУНЁСИДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИЛГАНЛИК УЧУН жавобгарликни кучайтириш зарур

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳалқаро хуқуқий талғибда, замонавий илм-фан ва технология ютуқлари асосида экологик қонунчиликнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор ва зарур шартларидан бири ҳисобланади. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишнинг хуқуқий императивларини амалга ошириш мазкур тизимнинг ажралмас бўғинидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4600 дан ортиқ ўсимлик турлари ташкил этади, улардан 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турлари бўлиб, улардан 9 фоизи эса эндемик турларни ташкил этади. Ушбу ёввойи

ҳолда ўсувчи ўсимлик турларининг умумий сонидан 324 таси эндемик, камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур шифатида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди майдонлари деярли 9,625 миллион гектарни ташкил қилиб, шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 3,3 миллион гектарни эгаллайди, ҳудудларнинг ўрмонлаштирилганлиги 7,5 фоизни ташкил этади. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES) мажбуриятларини бажариш доирасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини сақлаб қолишга катта эътибор қарати-

либ, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини экспорт ва импорт қилиш қоидалари белгиланди. Ноб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларининг рўйхати уларнинг мойиллик даражасига қараб аниқланди.

Бугунги кунда амалдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун нормаларининг амалиётида қўлланалишининг таҳлили, хуқуқий қўллаш амалиётида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб, ўз навбатида, қонуннинг тузилмасини чуқур қайта ишлаб чиқишни, унинг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлаётган тақрорлар ва зиддиятли ҳолатларини бартараф этишни талаб этади. Шу билан бирга, қонун нормаларининг тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини, ушбу соҳадаги норматив-хуқуқий базани тизимлаштиришни таъминлаш мақсадида қонуности ҳужжатларида белгиланган ва хуқуқий қўллаш амалиётида мавжуд бўлган қоидаларни назарда тутувчи янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"

ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Даврон ТАҒИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасига, энг аввало, нормаларни қўллашда фойдаланиладиган асосий тушунчалар киритилмоқда. Шу билан бирга, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ташкиллаштириш масалаларини қонуний тартибга солиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўллари ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини сақлаб қолиш бўйича асосий талаблар, ўсимлик дунёсидан самарали фойдаланишга, ўсимлик дунёсини ва у қўпаядиган жойларни сақлаб қолишга йўналтирилган биотехник тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланиш тартиблари белгиланмоқда.

2>

ҚОНУНЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ

ишончли механизмини
яратиш — устувор
вазифа

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон истиқлолга эришган ilk йиллардан бошлаб, давлат ва жамият бошқарувидаги институционал, демократик ислохотларнинг марказида қонун устуворлигига эришиш асосий масала этиб белгиланди. Мамлакат тараққиётининг стратегик мақсадларидан бирига айланган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" таъминининг туб моҳиятини ҳам қонун орқали бошқариладиган, маънавиятли ва маърифатли жамият тушунчаси ташкил этади. Зеро, кучли, очик фуқаролик жамияти шароитида барча манфатлар, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар фақат қонунлар орқали тартибга солинади.

2>



ЎСИМЛИК ДУНЁСИДАН НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИЛГАНЛИК УЧУН

жавобгарликни кучайтириш зарур

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Конун лойиҳасини концептуал жихатдан қўриб чиқиш жараёнида қонуннинг янги тахририда ўсимлик дунёси объектларини Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш шартларини аниқ белгилаш, ўсимлик дунёсини, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсим-

лик турларини муҳофаза қилиш чораларини, ўсимлик дунёси объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш турларини, шунингдек, ўсимлик дунёсидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини аниқлаштиришга қаратилган нормалар назарда тутилган фракциямиз аъзоларининг диккат марказида бўлди.

Айниқса, ушбу нормаларни

бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги қайд этилди. Чунки партияимизнинг Сайловолди дасурида биз экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларимизни, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жихатларига қаратишимиз ҳамда

“Ифлослантирувчи тўлаши ва кўп пул тўлаши лозим” деган принцип тарафдори эканлигимиз белгиланган. Шу бонс тақлиф этилаётган қонун лойиҳасини концептуал қўллаб-қувватлаган ҳолда позициямизни тақлиф-тавсияларимизни кейинги ўқишларда киритишимиз айтиб ўтилди.

Йиллиқ сўнгида фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

ҚОНУНЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ

ишончли механизмини яратиш — устувор вазифа

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Чунки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш” ғоясининг замирида жамиятда адолатпарварлик ва инсонпарварликни янада кучайтириш масаласи мўжассамдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси томонидан Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, эксперт ва олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирокида ўтказилган “Қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини тақомиллаштириш — давр талаби” мавзусидаги давра суҳбатиде ҳам шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига қўшимча ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасига мувофиқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расмий манба маконини беришнинг афзалликлари ҳусусида фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципларидан бири, бу қонун устуворлиги бўлиб, ушбу принципнинг ҳаётлигини таъминловчи муҳим омил — қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини тақомиллаштириш саналди.

Айни шу мақсадда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари замон талабларига мос равишда яратилмоқда. Уларни ҳаётга таътиб этиш бораида миллий тажриба тўпланди, ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юретиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Шухрат ЯМИНОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази директори:

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқимча-босқич туркумлишани ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йилда “Қонун ҳужжатларини туркумлишани тақомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган.

Шу билан бирга, муҳтарам Юртбошимизнинг 2011 йилдаги қарори асосида тасдиқланган Низомга мувофиқ, Адлия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш вази-фаси юклатилган.

Мана 15 йилдики, Миллий база самара-

ли фаолият юртиб келмоқда. Бугунги кунда Миллий базага 40 000 га яқин ўзбек ва рус тилларидаги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар киритилган. Миллий база ҳар кун янгилашиб, барча ҳужжатлар доимий назорат ҳолатида сақланиб келинмоқда. Миллий базадан фойдаланиш барча учун бепул ва тўлиқсиз амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Давлатимиз томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижаида мамлакатимизнинг нафақат вилоят марказлари, балки энг олис туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам интернет орқали Миллий базадан фойдаланмоқда. Эндиликда улар янги қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг фармон, қарор ва фармонлиқларидан, Ҳукуматимизнинг қарорларидан ҳамда бошқа ҳужжатлардан, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларидан ўз вақтида хабардор бўлишмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Миллий базадан нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда туриб ҳам фойдаланишмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъминлаётган чет эллик инвесторлар мамлакатимизда ўз фаолиятини олиб бориш учун яратилган қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, қонун ҳужжатлари билан чет эллик инвесторларга берилган қафолат ҳамда имтиёзлар билан таъминлаш имкониятига эгадирлар.

Миллий база Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларидан интернет орқали бепул асосда тезкор ва кенг қўламли фойдаланиш имконини берадиган ягона ҳуқуқий ахборот тизими ҳисобланади. Хозирги кунда ривожланган давлатларнинг барчасида ҳам аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг бундай амалиёти қўлланилмайди.

Мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар матнидан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижрочилар ва аҳолининг тезкор ҳамда сифатли фойдаланишини таъминлаш мақсадида www.lex.uz сайтида жойлашган Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилаш бугунги куннинг талаби, деб ўйлайман.

Умид СУЛАЙМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, ўтган даврда мамлакатимизда ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш борасида аниқ ва пухта ҳуқуқий база шакллантирилди. Хусусан, 2012 йилда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” қонунининг янги тахрири қабул қилинди.

Ушбу қонун билан белгиланган амалиётга қўра, бирон-бир умуммажбурий ҳуқуқий ҳужжати кучга киритиш ва ижрога қаратиш учун, авваламбор, ушбу ҳужжат расмий манбада нашр этилишини таъминлаш лозим.

Бугунги кунда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами” норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисоб-

ланади. Эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу расмий манбаларнинг барчаси қозғола чоп этиладиган даврий нашрлардир.

Жамиятимизнинг барча соҳаларига, қолаверса, аҳолининг кундалик ҳаётига компьютер технологиялари жадал суръатлар билан кириб бораётгани ҳамда мамлакатимизда босқимча-босқим равишда “Электрон ҳукумат” тизимига ўтилаётгани Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилаш ҳамда қонун ҳужжатларининг босма ва электрон нашрлари билан бир хил юридик кучга эга бўлишини таъминлашни тақозо этмоқда.

Миллий базага расмий манба маконини бериш ижрочилар ва аҳолига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан тезкор ва ишончли равишда он-лайн режимида таъминлаш имконини беради.

Халқаро тажрибани ўрганиш шунини кўрсатадики, АКШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Жанубий Корея, Финляндия, Россия, Беларусь, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қозғо ва электрон қўғишда расман эълон қилиш бир хил юридик кучга эга ҳисобланади. Бельгия, Дания, Австрия, Нидерландия, Испания, Португалияда эса қонун ҳужжатининг электрон шакли расмий эълон қилинишининг ягона манбаси бўлиб ҳисобланади.

Янги қонун лойиҳаси билан тақлиф этилаётган амалиёт юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказишга, ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор ўзлаштиришга қўшимча шарт-шароитлар яратади.

Шу маънода, адолатлилик ғояси, барчаннинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлиги”да таъминлини амалиётга янада кенг жорий этиш партиямиз фаолиятида устувор йўналиш ҳисобланади. Қонун давлат ва жамият ишларини бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга таътиб этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялар депутатлик корпусининг қонунчилик фаолиятининг асосий, бош мезони ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз қонунларимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ҳамда www.lex.uz сайтида жойлашган Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилашнинг муҳим, деб ҳисоблайди.

Давра суҳбатда амалиётчилар, мутахассислар, олимлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расмий мақом бериш юзасидан қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар тайёрлаш борасида фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Тадбир сўнгида муҳокама этилган масала юзасидан фракциянинг тегишли тавсиялари қабул қилинди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТДА байрам шуқуҳи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ёҳуд қўр-қўрона этикодсизлик халқни оломонга айлантиришига, ундан эса байроқдор манкуртлар етишиб чиқишига ҳам мустабид тузум даврида шохид бўлиб улгурдик. Ё бўлмаса, эр-талаб ўрнимиздан туриб, аввало кимга салом берганимиз қўлларнинг ёдида бордир...

Энди бундай мантиқдан холи, соғлом ақл билан изоҳлаб бўлмайдиган воқеаликлар тарих сарқитхонасида қолиб кетганига минг марта шукрона айтсак арзийди.

Чорак аср...

Албатта, бу очоқ тарих учун киприк қокқунчалик фурсатдир. Аммо бу йиллар мобайнида мустабид тузумдан мерос ўзибўларчилик, бошбошқоқлик, эгасизлик тамойиллари ҳукмронлиги ўрнатилган жафокаш жамият ўрнида бақувват, бардам, илғи тўқ, турфа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий бўҳронларга қарши тура оладиган ва уларни енга оладиган жамият шаклланди. Энг муҳими, биз ўзимизни, ўзлгимизни танидик. Дунё бизни таниди, дунё бизни тан олди, биз дунёни танидик. Яшнаб-ўсиб турган бақувват дарахтининг илдизлари нақадар чуқур кетганлигини тасаввур этиш мушкул эмас. Худди шундай, халқимизнинг мозий қаъридаги неча асрлик бой маданий-маърифий, илмий ва маънавий мероси бизнинг бақувват илдизларимизга айланди.

Шаксиз, ютуқлар осмондан тушмайди. Ёки Истиклол эълон қилинган куннинг эртасигаёқ ҳамма бир юмалаб бошқача одамга айланиб қолмади. Ўтган йигирма беш йил ичида юртимизда эришилган барча оламшумул, чиндан ҳам дунё хайрат-эътирофига сазовор бўлаётган ютуқлар замирида меҳнатқаш халқимизнинг фидойиларча меҳнати, интилиши ётади, албатта. Шукрки, биз мана шу буюқ ўзгаришларнинг шохиди ва иштирокчиси бўлган авлодимиз. Шукрки, биз мамлакатимизда кечаётган ислохотларга, буюқ ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган авлодимиз.

МУНОСАБАТ

Инсон учун бу ёруғ оламда эркинлик ҳиссини туйиб, тинч-осуда диёрда умргузаронлик қилиш, эртанги кунга қомил ишонч билан юксак мақсадлар сари интилиш, ҳалол меҳнат қилиш ва унинг роҳатини, самарасини қўриб яшашдан-да ортиқ бахт бўлмаса керак.

Бугун дунёдаги бахтли мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган юртимиз фуқароларининг сўзларида ва манун чехрасида ана шундай ёруғ қулар шукронаси зоҳир. Зеро, мустақиллик халқимиз ҳаётининг мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгариштириб, тарихимизда буткул янги саҳифа очган буюқ воқеадир.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори халқимиз кўнглига кўтаринкилик бағишлаб, бутун юртимизга ҳозирданқо мустақиллик байрами шуқуҳини олиб кирди. Қолаверса, ушбу ҳужжат ўз мазмун-моҳиятига қўра баъзича учун энг улуг ва энг азиз бўлган истиклолнинг буткул санасига муносиб тайёргарлик қўриш учун муҳим ҳуқуқий асосдир.

Мазкур қарор орқали байрамни қўтиб олишда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим йўналишларнинг аниқ белгиланиши, байрам бош ғоясининг ўта маълум мазмунда ифода этилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Қарорда қайд этилганидек, биз 25 йил олдин ўз мустақиллигини қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз таллаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Айнан бу йўлда эришилган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида “Ўғзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тadbирлар ҳамда тартиб-ташвиқот

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бизнинг фаолиятимиз учун муҳим дастуриламал вази-фасини ўтайди.

Инсон табииотида қўниқувчанлик унсурлари кўпроқ учрайди, дейишади. Баъзан қулай яшаш муҳитига, хотиржамликка тез қўниқиб кетамиз, гўё азалдан шундай бўлиб келгандай ва шундай бўлиб қоладигандек. Ваҳоланки, аслида бундай эмас. Тоғнинг буюклиги узокдан ёки солиштиришда намоён бўлади.

Бугун дунё молиявий инкироз исканжасида оғир нафас олмоқда. Бунинг оқибати ўларок, қўллаб-ривожланган давлатларда ижтимоий соҳа учун бюджет ажратмалари, иш ўринлари, пенсиялар миқдори қисқармоқда, янги қорхоналар ишга тушмаяпти. Шу шароитда мустақил юртимизга бир қаранг. Ялғи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаяпти. Бу жаҳондаги саноқли давлатлар эришаётган натижа. Мана шу кўрсаткичнинг ўзбек халқимизнинг ҳаёт даражасини нақадар юксалаётганидан шохидлик бериб турибди-ку.

Биласизми, мен Юртбошимизнинг қарорини ўқирганим, “Ўғзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” ширини тақорларганим, дил-дилидан яна бир бор шукроналик туйдим. Шундай юртда яшаётганимдан. Шундай халқнинг фарзанди эканлигимдан. Шундай тарихий жараёнларнинг иштирокчиси эканлигимдан...

Вақт ўтади. Йиллар бирин-кетин келиб кетаяди. Эрта-бир кун биз ўз невараларимизга гурур билан “Биз Мустақиллигимиз эълон қилинганга шохид бўлганимиз! Биз мана шу янги жамият қурилишида, янги давлат бунёд бўлишида баҳоли қудрат қатнашганимиз!” деб айта олсак, шунинг ўзи бахт эмасми!..

Ислом ҲАМРОЕВ

ТАРИХИЙ САНАНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

МУНОСАБАТ

Инсон учун бу ёруғ оламда эркинлик ҳиссини туйиб, тинч-осуда диёрда умргузаронлик қилиш, эртанги кунга қомил ишонч билан юксак мақсадлар сари интилиш, ҳалол меҳнат қилиш ва унинг роҳатини, самарасини қўриб яшашдан-да ортиқ бахт бўлмаса керак.

Бугун дунёдаги бахтли мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган юртимиз фуқароларининг сўзларида ва манун чехрасида ана шундай ёруғ қулар шукронаси зоҳир. Зеро, мустақиллик халқимиз ҳаётининг мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгариштириб, тарихимизда буткул янги саҳифа очган буюқ воқеадир.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори халқимиз кўнглига кўтаринкилик бағишлаб, бутун юртимизга ҳозирданқо мустақиллик байрами шуқуҳини олиб кирди. Қолаверса, ушбу ҳужжат ўз мазмун-моҳиятига қўра баъзича учун энг улуг ва энг азиз бўлган истиклолнинг буткул санасига муносиб тайёргарлик қўриш учун муҳим ҳуқуқий асосдир.

Мазкур қарор орқали байрамни қўтиб олишда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим йўналишларнинг аниқ белгиланиши, байрам бош ғоясининг ўта маълум мазмунда ифода этилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Қарорда қайд этилганидек, биз 25 йил олдин ўз мустақиллигини қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз таллаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Айнан бу йўлда эришилган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида “Ўғзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тadbирлар ҳамда тартиб-ташвиқот

рилли, мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустақкам пой-девор яратилди.

Шунингдек, қарорда мустақиллик даврида эришилган улкан муваффақиятлар билан бирга мамлакатимиз олдидаги мақсадлар ҳақида ҳам теран мулоҳазалар қайд этилган. Хусусан, 2030 йилга қадар ялғи ички маҳсулот ҳажмининг икки баробардан зиёд қўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш каби улкан вази-фалар барчамизни қатъият билан илгарилаб боришга, юртимиз тарақиёти йўлида фидокорона меҳнат қилишга, тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва илганишга чорлайди.

Қарорда яна бир муҳим масала, яъни бутун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар қучайиб бораётган бир шароитда энг қатта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва оқолишталаниш кўра қорачи-дек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустақкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб янаш халқ қудуви аҳамиятга эга экани баён этилган.

Умуман, мазкур қарорда белгиланган вази-фаларни ўз вақтида амалга ошириш орқали истиклолнинг ишончли чорак асрлик тўғрисида қадриятлар ва маънавий-маърифий тadbирлар ҳамда тартиб-ташвиқот

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишланган байрам тантаналарини юқори савияда ўтказиш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, электротармиз билан учрашуларда, тарғибот-ташвиқот тadbирларида юртдошларимизнинг қайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аниқ далиллар, ҳаётий воқеалар асосида ватандошларимизга етказиш, уларни янги марралар сари руҳлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ҳамда депутатлари ҳам фидойилик ва ҳамжиҳатлик намуналарини кўрсатадилар.

Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ —

аудиторлик фаолиятининг муваффақияти гарови

➤ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу амалий чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб, иқтисодий янада эркинлаштириш жараёни бозор инфратузилмаларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган аудиторлик тузилмасини ривожлантириш, бу борада нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали аудиторлик хизматларининг молия бозорига етакчи мавқега эга бўлишини таъминлаш зарурлиги борадаги ташаббуслари асосида бугун аудит соҳасини ривожлантириш орқали корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологиялардан янгилаш масалаларида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳани янада ри-

вожлантиришда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатилган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги, “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонунчилик, назорат-таҳлил ва таъминлаш ҳуқуқий ташкилотларининг асосий йўналишларига мувофиқ “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши ҳолати ўрганилганда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ўрганиш Молия вазирли-

ги, Республика аудиторлар палатаси, Фарғона вилояти адлия бошқармаси, Марказий банкнинг Фарғона вилояти бош бошқармаси, Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси вакиллари иштирокида ўтказилди.

Назорат-таҳлил ишлари шунинг кўрсатдики, вилоятда қонуннинг ижро этилишини таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар қилинган. Хусусан, Фарғона вилоятида бугунги кунда 7 та аудиторлик ташкилоти Адлия вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида фаолият кўрсатмоқда.

2015 йилда Фарғона вилоятида аудиторлик ташкилотлари томонидан 662 та ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилиб, жами 1975,3 миллион сўмлик хизматлар бажарилган. Жумладан, 252 та мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилиб, 750,3 миллион сўмлик, 237 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг таъминлаш биноан текширишлари ўтказилиб, 549,7 миллион сўмлик, шунингдек, 173 та 675,3 миллион сўмлик профессионал хизматлар бажарилган.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижасида аудиторлик ташкилотлари фаолиятида

бир қатор хато ва камчиликлар ҳам кузатилди. Жумладан, вилоятдаги аудиторлик ташкилотлари томонидан мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиб, ижобий ҳўжалар берилган ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳўддий солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширишларда 7 та ҳўлатда бюджетга қарийб 600,0 миллион сўм солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, вилоятдаги аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлари учун тўланиши лозим бўлган маблағларни ундириш юзасидан тегишли процессуал ҳўракатлар амалга оширилмаганлиги оқибатида “ТТТ-Audit” ва “Академик-Audit” аудиторлик ташкилотларида 40 миллион сўмга

яқин дебитор қарздорликлар сақланиб қолмоқда.

Айрим ҳўларда акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ нашр этилиши ҳамда уни аудитнинг халқаро стандартларига асосан ташқи аудитдан ўтказиш ишлари аудиторлик ташкилотлари томонидан талаб даражасида ташкил этилмаган.

Ўрганиш давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш юзасидан “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Фарғона вилоятидаги ижросини ўрганиш якунилари мавзусида семинар ташкил қилинди.

Семинар давомида ташқи аудитни ўтказиш шартлари ва ижобий аудиторлик ҳўласини эълон қилиш талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, соҳада ҳўқуқни қўллаш амалиётида учраётган муаммолар масалалар ечимини топишга қаратилган ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

“ТАЛАБАЛАРНИНГ КИЧИК ИННОВАЦИОН КОРХОНАСИ”

лойиҳаси амалда

➤ ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2016 йилда таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи йўналтирилиши, соҳани таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга кўпайиши ҳақида таъкидлаб ўтилган эди.

Ўз навбатида, мазкур эътибор таълим соҳасидаги профессор-ўқитувчилар билан бир вақтда талабалар олдида ҳам мамлакатимиз сановатли жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуғлиги 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, энергияни тежасли равишда қўлдан кўчириш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш эъзасига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмининг тахминан 2 баробарга қисқартириш вазифаларини қўяди.

Мазкур масалалар ечимларида бири сифатида олий ўқув юрларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, талабаларнинг инновацион фаолиятга бўлган қизиқишлари ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, улар томонидан кичик инновацион корхоналар тузишини рағбатлантириш, ўқитувчилар ва ҳодимларнинг инновацион фаолиятини ошириш, олий ўқув юрларининг илм-фан, сановат ва иқтисод билан алоқасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳа доирасида инновацион фаолият билан бевоқиф алоқадор олий ўқув юрлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш қўзда тутилган.

Яқинда мазкур лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида “Тармоқларо инновация маркази” ташкил



этилганлигини ана шундай ҳамкорлик самараси сифатида баҳолаш мумкин. Марказ очилишига бағишлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, талабалар, олимлар, тегишли ташкилот ва идоралар масъул ҳодимлари, тадбиркорлик субъектлари, экспертлар ҳамда мутахассислар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, сотиш ва ишлатиш тизимида корхоналараро ҳамкорликни инновацион технологияларга ўтказиш ишларини жадаллаштириш ҳамда мазкур йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот-

ларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларни ишлаб чиқариш, ички ҳамда ташқи бозорда сотилиши ҳажмининг ошириш, шу асосда сановат ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий тармоқларига электр энергиясини тежовчи стандартларни янада самарали жорий этиш мақсадида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро мувофиқлашган инно-

си таъминоти ва ундан самарали фойдаланишга бевоқифа боғлиқ бўлиши бораборида уни тежасли масаласи ҳам долзарб саналади.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун Европа Иттифоқи давлатларининг ўртача кўрсаткичига нисбатан кўпроқ электр энергияси сарфланаётгани таъкидланиб, соҳада таркибий ва ҳуқуқий масалалар юзасидан жадал амалиёт ўтказиш муҳим эканлиги қайд этилди.

Мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан мамлакатимизда энергия сарфини камайтириш юзасидан энергетик аудит, экспертиза, давлат назорати, ноанъанавий юқори қўшимча қиймат яратиш ва ресурстежамкорликка асосланган истикболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш, тадқиқотлар натижаларини омаллаштиришни молиялаштиришда таваккалчилик ва фандрайзинг муносабатларини ўзаро мувофиқлаштириш, тадбиркорларнинг янги ишланмаларни яратишдан нафаддорлиги механизмларини ривожлантириш масалалари ечимида ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, ёшларимиз тарбиясида электр энергиясига нисбатан янги таъминоти ва ишлатиш тизимида электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, сотиш ва ишлатиш тизимида корхоналараро ҳамкорликни инновацион технологияларга ўтказиш ишларини жадаллаштириш ҳамда мазкур йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида соҳада энергия сарфини камайтириш ва тармоқларо инновацион ҳамкорликни тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўрмат ХОЛИЯРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

➤ ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Навқирон ёшларимизни юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий истиқлол мафқурасини уларнинг онг-у шуурига сингдириш ва “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан сақлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Ахборот хуружидан эхтиёт бўлинг

Ўзбекистон “Адолат” СДП Мирзаобод туман кенгаши томонидан туман тиббиёт бирлашмасида “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир айна шу мавзуга бағишланди.

Юртимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Глобаллашув туфайли ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш, ёшлар онгига бунёдкор ғояларни сингдириш лозим. Акс ҳолда, улар онгига маънавий бўшлиқ юзага келади ва уни бузғунчи ғоялар эгаллай бошлайди.

— Ахборот ўзининг мазмунини ва ҳилма-ҳиллигини билан фарқлаб туради. Бирок у қандай бўлмасин, ёшлар онги, қайфияти, ҳиссиётларига ижобий ёки салбий таъсир этувчи воситадир, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Мирзаобод туман кенгаши раиси Улғубек Суяров. — Интернет ва бошқа воситалар орқали ахборот тарқалишини тартибга солишда нафақат вақолатли давлат органлари, балки нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Фаол ўқувчилар иштирокидаги “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир”, деб номланган мазкур тадбир барча ёшларимизни бирдек сергак тортириб, янада ҳушёр бўлишга хизмат қилади, десак адашмаймиз.

Тадбир якунида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Сирдарё вилоят кенгаши
матбуот қотиби

➤ ТАДБИР

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши. Шу боис коррупцияга қарши курашиш ҳозирги кунда дунё миқёсидаги долзарб масалалардан бири саналади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

давлат ва жамиятнинг ўзаро жипслигида амалга ошади

Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари” асарида коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланиш жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид сифатида баҳоланади. Ушбу иллат амалга оширилаётган ислохотларга хавф туғдириши билан бир қаторда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини ҳам емиради.

Коррупция фуқаролар, айниқса, ёшларда мансабдор шахсларга нисбатан ишонсизлик ва бошқа салбий муносабатларни шакллантириши билан ҳам жамият учун зарарлидир. Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан Бухоро енгил сановат ва педагогика касб-ҳунар коллежида “Коррупция таназзулга бошлайди” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда вилоят партия кенгаши ҳодимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатлар, коллеж ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, истиклол йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланди.

— Коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамият хавфсизлиги гаровидир, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Орифжон Эгамов. — Шу нуқтаи назардан, ўсиб келаётган ёш авлодга, хусусан, касбий фаолият бошлаш остиҳосида турган ўқувчиларга коррупция нечоғли хавфли иллат экани ҳақида тушунча бериш фойдалан холи бўлмайди.

— Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири, дея эътироф этилади, — деди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Фуқрат Қодиров. — Мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилган.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб “Жиноий фаолиятдан олинган дарomadларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди.

Тадбирда коллеж битирувчиларига айна шулар хусусида маълумотлар берилди, ўқувчилар мавзуга доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.


Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг ўзаро жипслиги талаб этилади. Зеро, бу йўналишда олиб борилаётган ислохотлар фуқаролар томонидан ҳам фаоллик кўрсатилсагина, қўзланган натижалар бериши мумкин.

Жўрабек МУСТАФОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси

“БЎСТОН”ЛИК БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

➤ 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Избоскан туман кенгаши фаоллари бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Партиядошларимиз томонидан маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва ногирон болаларга бўлган эътибор кўпчилликка маъқул бўлмоқда.



Тумандаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган партиядошларимиз томонидан ўтган давра мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ногирон болалар икки маротаба тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг керакли муолажа олишларига қўмақлашилди.

Ёзги таътилнинг илк кунларида тумандаги “Бўстон” маҳалласида “Соғлом авлод — соғлом келажақ” мавзусида ўтказилган тадбир ҳам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Тадбир доирасида маҳалладаги болажонлар ва уларнинг оналари тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, оналар учун соғлом авлодни тарбиялашда нима-ларга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида мутахассислар фикр-мулоҳазалар билдиришди, мавзуга доир тарқатма материаллар берилди. Саломатликни тарбия қилувчи театрлаштирилган томошалар, спорт мусобақалари тадбирга янада фазз киритди.

— Ёшлар тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам асосий ўрин эгалламоқда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП туман кенгаши раиси Дилфузахон Аҳмедова. — Ўғил-қизларимизни соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга барчамиз бирдек масъулмиз.

“Бўстон” маҳалласидаги тадбир “Ёш адолатчилар” қанотининг “Биз бахтли болалармиз!” лойиҳаси асосида тайёрланган бадий чикишлари ва билармон болалар беллашувига уланди.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
“Адолат” муҳбири

фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган

Давра сухбати якунида ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш ва кийинги маданиятига доимий эътибор қаратишни таъғиб қилишда кенг жамоатчиликнинг ташаббускорлигини янада оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган "Менинг юртим" мавзусидаги расмлар танлови ҳам кўпчиликда қизиқшй уйғотди. Ўқувчиларнинг ижод намуналари бугунги ёшларнинг дунёқараши юксалиб бораётгани, уларнинг мустақиллигимизни ҳеч-си қадрлашлари, келажакимизга бўлган ишончини ақс эттирди.

АКБАРЖОН НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши
матбуот котиби

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАКЛИФИ АСОСИДА

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

Кувонарлиси, янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллада истиқомат қилаётган 10 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шоҳида МИРЗАКАРИМОВА,
халқ депутатлари Оққўрғон туман Кенгашидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари


Давом. Бошланиши 1-бетда

Фарғонанинг энг қадимги шаҳарсозлик мажмуалари, қалъа ва қўрғонлари бузилиб, йўқ бўлиб кетганлиги сабабли ўша даврларга оид бирорта ёдгорлик, обида ёки иншоот қолдиқлари сақланиб қолмаган. Шунинг учун XIX асрнинг 70-йиллари охирига келиб шаҳар қайтадан қурила бошланди. Марғилонга туташ нуқтада бунёд қилинган бу шаҳар аввалги қалъа ва шахристондан иборат Фарғонадан фарқли равишда чор Россияси қўшинлари жойлашиши учун ярим ҳарбий шаҳарча тарзида тикланди. Кейинчалик шаҳарга Европа меъморчилиги анъаналари кириб келади. Шаҳарда модерн, эклектика, антик услублардаги ғарб архитектурасига хос бинолар, иншоотлар қад ростлайди. Зобитлар уйлари, ҳарбий бўлинмалар учун қазармалар, почта, телеграф ва бошқа маъмурий бинолар барпо этилади. Шу тариқа ўша даврда янги Фарғона шарқона қиёфага эга бўлмаган, миллий шаҳарсозлик маданиятидан йироқ қўринишдаги шаҳарга айланади XX асрнинг 60-йилларидан кейин, собиқ шўролар даврида шаҳарда бетон қопламали, бир хил қолипдаги каталаксимон турар жойлар, бинолар қўллаб қурилади. XX асрнинг охирига келиб шаҳар замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб бера олмади қолди.

Мустақилликка эришилганидан кейин мамлакатимиз Президентли Фарғона шаҳрини ободонлаштириш ишларини шаҳарнинг қадим қадриятларини қайта тиклаш, бу ерда яшаб ўтган буюк алломаларнинг номини, меросини улуғлашдан бошлади. 1998 йилда фарғоналик улуг аллома, дунё илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўнган мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан шаҳар марказида катта боғ барпо этилди. Боғ ичидаги хибобид буюк алломанинг маҳобатли хайкали қад ростлади. Боғ атрофи кўркам ҳолатда бунёд қилинди. Миллий асосда яратилган иншоотлар тикланди. Бу келгусида шаҳарни қайта қуриш учун асос бўлди.

Фарғона шаҳрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш ишлари 2011 йилдан бошланди. Республикаимиз Президентли ўша йилнинг 11 октябрида Фарғонага ташир буюрар экан, вилоят марказини қайта қуриш, кўчалар, майдонлар, хибобларни кенгайтириш, обод қилиш, шаҳар қурилиши боғ режаси асосида унинг марказий қисмини барпо этиш, турар жойлар, маъмурий иншоотларни замонавий асосда яратиш ҳусусида мулоҳазалар билдирди ва тавсиялар берди. Ана шулар асосида Фарғона шаҳрида 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу дастур асосида шаҳарни тубдан қайта қуриш боғ режаси ҳам яратилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун мамлакатимиз ҳазинасидан 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шаҳарни қайта қуриш ишлари унинг марказини шакллантиришдан бошланди. Аввало, шаҳар марказидаги ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Соҳибқирон Амир Темур, Бурхониддин Маринионий, Бахор, Мустақиллик, Сайилтоҳ, Нурафшон, Қувасой, Баркифат каби ўндан ортиқ кўчалар энига кенгайтирилиб, бўйига узайтирилди. Кўчалар четлари ва ўрталари панжаралар билан ихоталанди. Уларнинг четларига анвойи гуллар экилди. Шаҳар бағрида кенглик, кўркамлик пайдо бўлди.

Шаҳарнинг шарқий ва ғарбий нуқталарини боғловчи марказий Мустақиллик кўчаси машиналар қатновидан холи қилиниб, сайилтоҳ сифатида аҳолининг дам олиши учун мўлжаллаб қайта қурилди. Ушбу кўчанинг икки томонидан савдо ва маъий хизмат уйлари, “Ёшлар” маркази, илм-фан даргоҳлари, кичкинтойлар боғи, турар жой бинолари, талбиркорлик мажмуалари барпо этилди. Шаҳарнинг кўчаларидаги эски бинолар бузилди, ғарб архитектураси асосида модерн, антик услубда қурилган тарихий иншоотларнинг бир қисми реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. Улар меҳмонхоналар, олий ўқув юртлари, коллежлар биноларига айлантирилди. Фарғонанинг марказидаги маъмурий иншоотлар,



банклар, савдо ва маъий хизмат мажмуалари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида таъмирланди. Бу эса шаҳар маркази янгидан шаклланишига имкон яратди.

Фарғона шаҳрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш махсус дастурига кўра, 2012 йилдан бошлаб бунёдкорлик борасида катта ишлар амалга оширилди. Шаҳарда 15,3 километрдан иборат кичик халқа йўли, салкам 35 километрлик катта халқа йўли барпо этилди. Бундан ташқари, 3 километрлик автомобиль йўлининг янги йўналиши ҳам ишга туширилди. Шаҳарга об-ҳаёт элтувчи ва салкинлик бағишловчи Марғилонсой тўла таъмирланди.

Унинг салкам 6 километрлик ўзани ва қир-қоқларига тош ётқизилди. Соҳилларида янги хибоблар, сайилтоҳлар, дам олиш масканлари яратилди. Бир йил ичида ўнлаб кўп қаватли уй-жой бинолари, 2 та бозор, 225 дан ортиқ ижтимоий-маъий бино ва хизмат кўрсатиш объектлари, 5 та истиро-

рини ҳам шаҳарнинг ҳозирги бўй-бастига монанд гўзал, кўркам, обод тарзда барпо этмоқдалар. Шаҳарнинг бирор ерида эътибордан четда бўлган ёки унинг ҳуснига доғ бўлиб тушадиган жой қолмади. Ҳамма жойда қурилиш, янгиланиш, ободлик. Ҳамма қалбан бу шаҳар, бу юрт меники, уни гўзал,

тикланиб, таъмирдан чиқарилган. Фарғона, айни пайтда, саноат шаҳри ҳам ҳисобланади. Бу ердаги 30 дан ортиқ йирик корхона, 450 га яқин кичик корхона, 30 дан зиёд қўшма корхона, 3500 та микрофирмалар ҳам шаҳар ҳаётини янгилашга, уни обод мегаполига айлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимиз Президентли Фарғонага ташир буюрганида “Фарғона шаҳрида барпо этилган айланма йўли кўриб хурсанд бўлдим. Бу йўл тимсолида мен Фарғонани янгидан кашф қилдим. Бу йўл Фарғона шаҳри ривожига ҳар томонлама кучли туртки бериши шубҳасиз. Коммуникация пайдо бўлса, албатта, унинг атрофида дўқонлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, дам олиш жойлари, энг муҳими, янги-янги иш жойлари ҳам пайдо бўлади”,

ВОДИЙНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАСЛИ

ҳат боғи ва хибоблар, 8 та фаввора янгидан қурилди.


Шаҳарда 16 мингта оила ва минглаб ижтимоий соҳа объектларининг ичимлик суви, табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланиши яхшиланди. Қисқа вақт ичида шаҳарда 28 та болалар майдончаси, болалар спорт мажмуаси, аквапарк қурилди. 9 та замонавий аттракцион ўрнатилди. Ёшлар маданият ва спорт маркази, Юсуфжон қизик Шакаржонов номдаги вилоят драма театри, банклар бинолари замонавий шаҳарсозлик талабларига мос равишда таъмирланди.

— Фарғонада замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида бошланган қайта қуриш ва бунёдкорлик ишлари шаҳар аҳолининг онгига янгиликларни, янгиликларни дунёқараши шакллантирди, — дейди мамнуният билан меҳнат фариши Омонжон Хошимов. — Бугун одамлар нафақат ўз шахсий уйлари, балки кўчаларини, маҳаллалар

обод, кўркам ҳолда бунёд этишга ҳисса қўшмоғим керак, деган туйғу билан яшамокда. Ана шундай кунларга етказганига шукр!

Фарғона шаҳрида 265 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилди. Шаҳар Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Қирғул каби бир неча даҳаларга бўлинган. Ўзбекистонда шаҳарнинг жанубий қисмида янги Мустақиллик даҳаси бунёд этилмоқда. Бу ерда қурилаган 34 та янги, кўп қаватли бирига ўхшамайдиган, барча шароитларга эга турар жойлар, маъмурий иншоотлар, бинолар замонавий шаҳарсозликни ўзига тўла намоён этади. Шаҳарда ҳозирги пайтда 70 та маҳалла мавжуд. Бу маҳаллалар ободлиги, гўзаллиги, барча қулайликлари билан кечаяқ маҳаллалардан тубдан фарқ қилади. Шаҳардаги 42 та мактаб, 19 та коллеж, 6 та академик лицей, 4 та олий ўқув юрти, 16 та маданият муассасаси, 40 дан ортиқ кутубхона биноларининг аксарияти янгидан қурилган, бир қисми қайта

деб қилинган ишларга юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, шаҳар атрофидаги айланма йўл, аниқроқи, кичик ва катта халқа йўллари Фарғонанинг замонавий шаҳарсозлик маданиятини юксалишига хизмат қилмоқда. Бу йўллар атрофида янги уйлар, маъий хизмат кўрсатиш шохобчалари, корхоналар барпо этилди. Фарғона аэропорти қайтадан таъмирланди. Шаҳар кўчалари халқа йўллар орқали ўзаро туташди ва транспорт қатнови учун кенг имкониятлар туғилди. Бу халқа йўлларининг қурилиши шаҳар атрофида йирик иншоотларнинг бунёд этилишига ҳам замин ҳозирлади. Шаҳарнинг шимолий қисмида Юртбошимиз ташаббуси билан ниҳоятда катта спорт мажмуаси қурилди. 50 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бу мажмуа бағрида стадион ва болалар футбол мактаби барпо этилди. Стадион 20 минг томошбинини бағрига сиғдиради. Томошбинларнинг спорт мусобақаларини кўриши, дам олиши учун барча шароитлар яратилган. За-



ЯШИЛ ЛИБОС КИЙГАН ШАҲАР

Фарғона водийнинг азал-азалдан дов-дарахтларга, кўкаламзор масканларга, гуллар ва гулзорларга бой шахри ҳисобланади. Шаҳарга юксаликдан қарасангиз ҳам, у яшиллик ичра қўзга ташланади.

Аммо шаҳар қайта қурилиб, замонавий ва миллий асосда барпо этила бошлагандан кейин унинг дов-дарахтларга бой, кўкаламзор қўринишида қандайдир ноўшовчилик, шаҳарнинг янги қиёфаси учун нотабиъийлик каби ҳолатлар сезила бошлади. На-тижада шаҳарнинг обод, кўркам ва замонавий қўринишига мос равишда янги эколандшафт тизими, кўкаламзор қиёфасини яратиш ҳаётий зарурати айланди. Шу асосда шаҳар бағрида мавжуд дов-дарахтларга шакл берилди, кўкаламзор масканлар тартибга солинди. Янги боғлар, хибоблар, кўкаламзор жойлар, гулзорлар яратилди. Янги эколандшафт тизими шаҳарнинг ҳақма томонини қамраб олди.

Бу тизимнинг бир тарафи шаҳарнинг ўртасидаги сайилтоҳга айлантирилган Мустақиллик кўчаси атрофидаги кўкаламзор

масканлар ва Марказий боғдан бошланиб, шаҳарнинг жанубий қисмидаги Санъат саройи майдони ва Мустақиллик даҳасига қадар етиб боради. Тизимнинг иккинчи тарафи марказдан бошланиб, шаҳарнинг ғарбий қисмидаги “Хотира” майдони ва унга туташ нуқталар билан боғланади. Кўчалар четидаги гулзорлар, хибоблар, дов-дарахтлар, фавворалар янги эколандшафт тизимининг бир қисмини ташкил этади. Тизимнинг учинчи томони марказдан бошланиб, шаҳарнинг шимолий қисмидаги янги қурилган стадион ва унинг атрофидаги арчзорлар билан боғланади. Кенг йўллар, кўчалар атрофларидаги хибоблар, гулзорлар, кўкаламзор масканлар кўз ўнгисизда эколандшафт ландшафт низоми бўлади. Тизимнинг тўртинчи тарафи марказдаги бозор олд хибобидан тортиб,

шаҳарнинг шарқий қисмидаги маҳаллалар бағридаги боғлар, яшил масканлар, дов-дарахтлар тўла кўчалар, гуллар билан безанган хибобларни қамраб олади. Бошқачароқ айтганда, шаҳар янгидан ўзига ярашадиган, чиройли кўркам яшил либос кийди. На-тижада шаҳар бағрида очкич, кенглик, ажиб бир латиқлик юзага келди. Шаҳар қиёфасидаги аввалги тундлик ўрнини гўзаллик эгаллади.

Фарғонанинг бағридан оқиб ўтувчи Марғилонсой илгари қаровсиз, қирғоқлари кўрмисиз, қиқиндилар тўпланиб ётадиган, суви фойдаланишга яроқсиз ҳолда эди. Бунёдкорлик натижасида сойнинг ўзани ва қирғоқларига тош тўшилиб, атрофи обод қилинди. Соҳилларида дам олиш ва кўнгилочар масканлар, хибоблар, боғлар барпо этилди. Эндиликда бу сой нафақат шаҳарнинг гўзаллиги учун, балки унинг бағрида микроклимат яратиш учун ҳам хизмат қилмоқда. Бугунги кунда дунё меъморлари ҳар бир шаҳарнинг кўркам қиёфаси-

ни, мусавво ҳавосини сақлаш учун ўша ерда 30-35 фоиздан кам бўлмаган кўкаламзор жойлар, боғлар, дароҳтлар, эколандшафтлар яратиш фикрини ўртага ташламоқда. Фарғона шаҳрида эса бу кўрсаткич 45-50 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, уни яшиллик қўйнига қўнган шаҳар, дейиш мумкин.

Бугун Фарғона шаҳрида замонавий ва миллий шаҳарсозликни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ниҳоятда улуғвор. Агар буни Президентимиз сўзлари билан айтганидан бўлсак, “Фарғонанинг кўпни кўрган, ҳаётини, одамнинг қадрига етказган, меҳнаткаш ва меҳмондўст, содда ва самимий инсонлари ўз қўллари билан эртанги кунни, ёруғ келажакни қурмоқдалар”.

Юсуф АҲМАДАЛИЕВ,
халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

монанг талабларга жавоб берадиган бу ўйингоҳда халқроқ микёсда мусобақалар ўтказиш имконияти юзага келди. Шу маънода стадион нафақат Фарғона шаҳрининг, балки водийнинг марказий спорт мажмуаларидан бирига айланди. Мажмуада футбол мактабининг барпо этилгани бежиз эмас. Бу Фарғона футболнинг ривожини учун замин тайёрлади. Бу ерда эколандшафтининг юзага келиши, манзарали дарахтларнинг ўтказилиши, футбол мактаби ва стадионнинг барпо қилиниши мажмуани Фарғонанинг гўзал масканларидан бирига айлантирди.

— Бу жойлар бир пайтлари шаҳарнинг чеккаси, эътибор берилмайдиган, қаровсиз масканлар эди. Бу ҳам етмагандек, баъзан шаҳардан қиқиндилар олиб чиқилиб, шу жойларга ташланарди. Оқибати эса маъмул. Бу шаҳар ахли учун ҳам, шу ерга яқин яшовчилар учун ҳам нуқулликлар туғиди.

Йилнинг тўрт фаслининг ўзига хос қиёфаси, латофати, гўзаллиги, табиат ато этган саховати мавжуд. Лекин ҳаётда бу тўрт фаслдан ташқари яна бир фасл бор. Бу бунёдкорлик, яратувчилик фаслидир. Бу фаслда жамиятнинг қиёфаси, латофати, гўзаллиги ва саховати бўй кўрсатади. Бугун олтин водийнинг Фарғона шаҳри ана шу бунёдкорлик, яратувчилик фаслида яшамокда.

Суратлар муаллифи
М.КОДИРОВ (ЎЗА)

рарди, — дейди Фарғона вилоят советини сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси Раъно Сулаймонова. — Дастлаб ана шу жойда стадион қурилмиш деганда унчалик ишонмагандик. Кейин бу ерда нафақат стадион қурилди, балки ниҳоятда катта, 50 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган спорт мажмуаси барпо этилди. Стадион ва болалар футбол мактаби атрофида яшил зона — арчзор боғ яратилди. Бу мажмуа эндиликда футболчиларнинггина эмас, бутун шаҳар аҳолининг соғломлаштириш, дам олиш масканига айланди. Бундай ободлик кимни қувонтирмайди, дейсиз?

Фарғона шаҳрининг жанубий-шарқ томонига қараб юрсангиз, Марғилонсой бўйларида салкам 80 гектарлик ҳудудда яна бир улуғвор бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўласиз. Бу ерда мамлакатимиз Президентли тоясига мувофиқ мухташам Санъат саройи ва амфитеатр барпо этилди. Санъат саройи қад ростлаган маскан, унинг атрофида яратилган эколандшафт билан бирга 40 гектардан ортиқни ташкил қилади. Бу сарой қай томондан назар ташламанг, кенглик ва очкичлик фонида ниҳоятда маҳобатли иншоот сифатида намоён бўлади. Мукамал лойиҳа, мураккаб муҳандислик ечим асосида ниҳоятда гўзал қилиб барпо этилган бу саройга қараб, унинг юртимиз меъморлари, муҳандис-техник ходимлари, қурувчилари ақл-идроқи, иктидори, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати эвазига тикланганини кўриб, қалбингиз ғуруғлар тўлади. Улуғвор бунёдкорлик ишлари Санъат саройидан ташқари, унинг атрофида ҳам олиб борилди. Саройнинг шарқий томонида болалар учун очик ва ёпиқ турдаги сув спорти хавзаси, меҳмонхоналар, коллежлар, мактаблар бинолари қурилган бўлса, жануб томонида молия муассасалари ва бошқа маъмурий ташкилотларнинг кўп қаватли иншоотлари қад ростлади. Саройнинг ғарб томонида аҳоли учун янги турар жойлар, маъий хизмат корхоналари, савдо шохобчалари тикланган бўлса, жануб томонида Мустақиллик даҳаси барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси ушбу масканни шаҳарнинг маданий марказига айлантирди.

— Мамлакатимиз Президентли 2011 йилда Фарғонага келган пайтида шаҳар ҳаёти билан боғлиқ жараёнларни яхши эслайман. Ўшанда шаҳарнинг икки-уч нуқтасида кичик доирада қурилиш ишлари олиб борилаётганди. Баъзи жойлардаги эски иморатлар, корхоналарнинг талаба жавоб бермайдиган бинолари, собиқ иттифок давридан мерос қолган, эгаси қўчиб кетган уйдой хувилаб ётган иншоотлар шаҳарнинг қиёфасини жуда ғариб кўрсатарди, — дейди шоира, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Ёнахон Сиддиқова. — Юртбошимиз ўшанда, биринчи навбатда, шаҳарнинг қиёфасини ўзгартиришга, тарихий биноларни, турар жойларни қайтадан таъмирлашга, талаба жавоб бермайдиган иморатларни бузиб, улар ўрнида янгиларини бунёд этишга, шаҳар марказини янгича асосда шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, шаҳар атрофида ва унинг кунчиқар қисмида ҳам замонавий, ҳам миллий асосда маданий марказлар вужудга келтириш масаласини ўртага ташлади. Биз ўшанда бу ишлар қамиди ўн йиллар атрофида амалга ошса керак, деб ўйлагандик. Амалий ишлар ўйларимизни орда қолдирди. Икки-уч йил ичида шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ёнғ муҳим, шаҳарнинг ободлиги одамлар қалбига ҳам кўчди. Фарғона ахли қалбиди, ҳаётда бунёдкорлик, яратувчилик, ободлик аъмоллари давом этмоқда.

Водий ахли гўзалликда тенгсиз бўлган Фарғона шаҳрида яқинда ўтказилган “Универсиада — 2016” спорт ўйинларига ниҳоятда катта тайёргарлик кўрди. Шаҳарда бунёдкорлик ишлари учун 37 миллиард 215 миллион сўм маблағ сарфланди, ўнлаб янги спорт иншоотлари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш хавзалари, спорт заллари ва бошқа объектлар замонавий талаблар асосида барпо этилди. Мусобақалар юксак даражада ўтказилди. Янги иншоотлар эса шаҳарнинг замонавий қиёфасига гўзаллик бағишлади. Шаҳар янада яшарди.

Ижодкорлардан бири Фарғона шаҳрининг кечаги кунини уйқудаги маликага ўхшатган эди. Бугун эса уйқудаги малика ҳақиқатан ҳам уйғониб, ўзининг гўзаллигини намоён қилмоқда. Бу маликанинг бугунги қиёфаси нафақат кундузи, тунда ҳам янгида чиройли, латиқ кўринади. Нурлар оғушига қўмилган кўчалар, хибоблар, дам олиш масканлари, боғлар қўйнида ажиб жозиба касб этади. Мухташам иншоотлар оғушида янада гўзал тарзда қўзга ташланади. Мусикали, рангли фавворалар, турфа чироклар шаҳарга осудалик, шаффофлик бағишлайди. Шаҳар йилдан-йилга кенгайиб, катталашиб, аҳолиси ўсиб бормоқда. Агар шаҳар аввал 9500 гектар жойни эгаллаган бўлса, 2015 йилга келиб унинг ҳудуди яна 600 гектарга ошди. Шаҳарнинг 2030 йилга қадар ишлаб чиқилган боғ режасига кўра, унинг ҳудуди ҳам, аҳолиси ҳам икки бараварга кўпайиши режалаштирилмоқда.

Қамол МАТЕҚУБОВ,
“Адолат” муҳбири

? *Хукукуй*
наслахат

ёхуд жозиба хориж атамаларидами?

**Қорақалпоғистон Республикаси
божхона бошқармаси
ахборот хизмати**

МАҲАЛЛА

хусусий тадбиркорлик ва бизнес марказига айланмоқда

➤ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш бора-сида амалга ошириладиган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви му-тасаддилари, ҳамкор ташкилотлар ва-киллари, пойтахт ҳамда Тошкент вило-ятидаги фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари, журналистлар иштирок этди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демокра-тик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимо-ий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбир-корлик ва оилавий бизнесни ривожлан-тириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлан-ган.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила-вий бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш учун барча асослар яра-тилган. Хусусан, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликини ривожлантиришда оила-вий шўғулланиш истагини инобатга олиб, тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари асосида сама-

тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши, шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига би-ноан фуқаролар йиғинлари қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, хусусан, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш ма-салалари бўйича комиссиянинг намуна-вий низоми тасдиқлангани маҳалла-ларни кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик марказига айлантиришда дасту-риламал бўлмоқда.

Республикаимизнинг барча маҳалла-ларида фаолият юритаётган Тадбиркор-лик фаолияти ва оилавий бизнесни ри-вожлантириш масалалари бўйича комис-сиялар аъзолари ҳудудда истикомат қилаётган аҳолининг мавжуд имкони-ятлари, муайян фаолият турлари билан шўғулланиш истагини инобатга олиб, тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари асосида сама-

рали ташкил этиш ва амалга ошириш, шу жумладан, шахарча, қишлоқ, овул ва шахардаги маҳалла фуқаролар йи-ғини томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик қорхона-лар, сартарошхоналар, пойабзал таъ-мирлаш устахоналари, хунармандчилик цехлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа қорхоналарни таш-кил этиш ва қайта ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оши-риб келишмоқда.

Бундан ташқари, оилавий бизнес ва тадбиркорлик тармоқлари ривожланиб, саноат марказига айланган маҳаллалар-да фуқаролар йиғинлари қўмағида са-ховатпеша тадбиркор ва ишбилармон-лар томонидан ижтимоий қўллаб-қувват-лаш, ободончилик, қўламазорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзя-пти. Бунинг натижасида қишлоқларимиз кичёфаси тубдан ўзгариб, барча шарт-шароитлар яратилмоқда, аҳолининг тур-муш фаровонлиги ошиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда 8484 та фуқаролар йиғинида «Маслаҳат марказ-лари» фаолияти ташкил этилган. Ушбу марказлар томонидан ҳудуддаги тадбир-корлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқаролар ва фаолият юритаёт-ган тадбиркорлик субъектларини қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялардан хабардор этиш, уларга қисқа муддатли ўқув курслари

ўтказиш, ёшларни ҳудуддаги қорхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жой-лаштириш ва хунармандларга бирикти-ришдек масъулиятли вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

Томорқадан самарали фойдаланиш бо-расида ҳам сезиларли натижаларга эри-шилмоқда. Республикадаги 9764 та ма-ҳаллада 4 миллион 660 минг 549 тадан ортиқ хонадонларнинг 412 минг 436 гек-тар экин майдони мавжуд. Томорқаларга сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар экилмоқда. Қувонарлиси, тўрт-беш сотихли иссиқхонадан олинаётган даромад миқдори йилга 10-12 миллион сўмини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда 6 мингдан зиёд фуқа-ролар йиғинларининг гузарларида уму-мий овқатланиш, новвойчилик, хандо-латчилик, сартарошлик, тикувчилик, таъмирлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, тадбирда айна қунарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтаётган сайловлар-ни юрида савияда ташкил этиш бўйи-ча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди то-монидан амалга оширилаётган чора-тад-бирлар ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир якунида журналистлар ўзла-рини қизиқтирган саволларга атрофли-ча жавоб олдилар.

Бобиржон ТУНГАТОВ,
«Adolat» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,
барча қурилиш ташкилотлари
ва кичик бизнес субъектлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

ЛОТ-1

ЛОТ-1.1. «Фарғона шаҳар 52211-ҳарбий қисмининг ис-
сиқлик манбаи муҳандислик тармоқлари иншоотлари би-
лан, ичимлик суви, электр ва газ таъминотларини мукаммал
таъмирлаш»

Бошланғич нархи: 273 777 992 сўм ҚҚС билан;
228 148 327 сўм ҚҚСсиз.
Мудлати — 35 иш кунин.

ЛОТ-1.2. «Фарғона шаҳар 52788-х/қ 4-ҳарбий ша-
ҳарчасидаги, 4/43-сонли штаб биносини мукаммал таъ-
мирлаш»

Бошланғич нархи: 3 180 347 811 сўм ҚҚС билан;
2 650 289 842 сўм ҚҚСсиз.

Мудлати — 185 иш кунин.

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Тошкент шаҳар Университет кўчаси 1-й,
тел. (0 371) 260-39-96.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган
пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва кор-
хоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш
объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли кас-
бий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида
20% миқдорда айланма маблағи (захирадаги қурилиш
материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақ-
дим қилишга банк қароланомаси мавжудлиги, молиявий
имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома ту-
зишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлиш-
лари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш
ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифлари-
ни баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх
преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига
мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан
озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт-
га етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчилари-
нинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган
солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш
учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона
вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакл-
лантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил
бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний 36-й,
телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи —
100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан
юқоридаги манзилда оферталарни очиш кўни ва вақтигача
қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кун-
дан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (кўни ва вақти
хабарнома орқали маълум қилинади) Фарғона шаҳри,
ал-Фарғоний 36-й манзилда ўтказилади.

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қайта танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

ЛОТ-31

ЛОТ-31.1. «Фарғона вилояти Кува тумани Баҳор ҚФЙ
Анорзор қишлоғидаги 43-сонли болалар боғчаси бино-
сини мукаммал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 546 654 955 сўм ҚҚС билан;
455 545 796 сўм ҚҚСсиз.
Мудлати: 01.09.2016 йил.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-й,
тел.(0 595) 401-52-01; 401-52-05

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағ-
лари ҳисобидан молиялаштирилади.

Капитал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес
субъектлари учун квота ўлчови — 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пуд-
рат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва кор-
хоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги,
етарли касбий ва техникавий малакага, объект қиймати-
нинг камида 20% миқдорда айланма маблағи (захира-
даги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маб-
лағларни тақдим қилишга банк қароланомаси мавжудли-
ги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига,
шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишонч-
ли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш
ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифлари-
ни баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх
преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига
мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан
озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт-
га етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчилари-
нинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган
солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш
учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона
вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакл-
лантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил
бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-й,
телефон/факс: 373-244-68-90, 998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи —
100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан
юқоридаги манзилда оферталарни очиш кўни ва вақтигача
қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кун-
дан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин (кўни ва вақти
хабарнома орқали маълум қилинади) Фарғона шаҳри,
ал-Фарғоний кўчаси 36-й манзилда ўтказилади.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

➤ БИЗ ҲАММАМИЗ ИСТЕЪМОЛЧИМИЗ

Бозор иқтисоди шароитида маҳсулот ёки хизматни истеъмолчиларга кўрсата билиш ҳам маҳорат, билим ва ўзига хос ёндашувни талаб этади. Кейинги пайтларда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари реклама қилинганида «экологик тоза маҳсулот» жумласи қулоғимизга тез-тез чалиниб қоляпти. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади? Экологик тоза маҳсулот нимаю, тоза бўлмагани қанақа? Уларни истеъмолчи бир-биридан қандай ажратиб олиши мумкин? Эко-логик тоза маҳсулотнинг афзаллиги нимада?

Шу ва шу сингари саволлар кўплаб истеъмол-чиларни қизиқтиришини инобатга олиб, Тош-кент давлат аграр университети «Ушмоликшу-нослик» кафедраси ўқитувчиси, қишлоқ хўжали-ги фанлари доктори, профессор Рихсибой ТИЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Айтинг-чи, экологик тоза маҳсулот нима? Унинг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?

— Аввало, айтиш керакки, экологик тоза маҳсулотнинг ил-мий синоними органик маҳсу-лот, деб аталади.

Органик маҳсулотлар дейил-ганда органик сўзи «чекланган» маъносини англатиб, қўшимча минерал ўғитларсиз, захарли хи-микатларсиз ва бошқа техноген таъсирларсиз маҳсулот этиш-тириш ёки табиий тоза хомашёлардан олинган, замона-вий технологиялар асосида этиштирилган маҳсулотлардир. Бугунги кунда дунёнинг ривож-ланган мамлакатларида органик экологик тоза маҳсулот этишти-риш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Европа бозорларида экологик тоза мах-сулотлар ҳажми 1997 йилда 5 миллиард долларни ташкил эт-ган бўлса, 2000 йилда 9,5 мил-лиард доллар, 2005 йилда Ев-ропа ҳудудидида ишлаб чиқари-лган озиқ-овқат маҳсулотлари-нинг 10 фоизидан ортигини таш-кил этган. Европа мамлакатла-рида экологик тоза маҳсулотлар-га йиллик талабнинг ўсиши Гер-манияда 5-15% фозиз, Дания, Швеция ва Швейцария давлат-ларида 30-40 фоизга ортганли-ги, ушбу мамлакатларда эко-логик тоза маҳсулотларга катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатмоқда.

Органик тоза маҳсулот этиш-тириш масаласи билан жаҳон-нинг қўллаб олимлари шўғул-ланишмоқда. Улар асосан эко-логик тоза маҳсулот ишлаб чи-қаришининг экологик, агротехно-логик ва иқтисодий муаммолар-ни тўғрисида илмий изланиш-лар олиб бормоқдалар.

Дунё миқёсида ахвол шундай экан, бизда, Ўзбекистонда эко-логик тоза, органик маҳсулот не-чоғлик ўз ўрнига эга, деган са-вод тувилиши табиий.

Очиғини айтганда, бизда этиштирилаётган озиқ-овқат мах-сулотларининг аксариятини эко-

логик тоза, яъни ҳозирги дунё ҳамжамияти томонидан помла-ниши бўйича органик маҳсулот, деб айтсак бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, пахта, қалладан тортиб мева-чева, қўқатларимиз асосан захарли кимё воситалар-ни, гербицидлар, стимулятор-ларсиз этиштирилади. Масалан, пахтаимизнинг сифати дунё ҳам-жамияти томонидан изчил ўрга-нилиб, уларнинг навларини оммалаштиришга қизиқиш ку-чайган. Ёки оддий мисол, Ол-тиракнинг бодринини бир хо-нага, четдан келтирилган гиб-рид навли бодрининг бошқа хо-нага қўйиб кўринг, бизда этиш-тирилган бодрининг хиди хо-нани тутиб кетади, гибрид нав-ли бодринг узок муддат сақлан-

Партия иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланиши тарафдори. Экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадал ривожланишни таъмин-лашга йўналтирилган, мутаносиб иқтисодий сиёсат олиб бориш зарур.

Партия ернинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, барча агротехник тад-бирларни зарур даражада ўтказиш, замонавий агротех-нологияларни жорий этиш, уруғчилик ва селекция ишлари ривожлантириш, ходимлар меҳнатини сама-рали ташкил этиш ва рағбатлантириш тарафдори.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

сада, таъми ҳам, мазаси ҳам ўзига яраша.

Айни пайтда биз, олимлар юртимизда азал-азалдан органик дехқончилик мавжуд бўла ту-риниб, бундай дехқончилик ша-роитида этиштирилган маҳсулот-ларни муайян мезонлар бўйича таснифлаш юзасидан етарли да-ражада илмий мезонлар ишлаб чиқмадик. Оддийроқ айтганда, туپроқни бундай экин учун тай-ёрлаб олишдан тортиб, қандай экишгача, уни парвартишлаш-нинг ўзига хос жиҳатлари юза-сидан илмий асосланган тадқи-котлар ўтказиш бўйича жаҳон-нинг бошқа давлатлари илгари-лаб кетди. Фақат кейинги йил-ларда Ўзбекистонда экологик

НИМА?



тоза маҳсулот этиштириш бўйи-ча дастлабки изланишлар, таж-рибалар олиб боришмоқда.

— Тушунишимизча, махсу-лотнинг ўзи бор-у, лекин унинг экологик тоза эканлиги-ни тасдиқловчи меъёрлар ва стандартлар ишлаб чиқилма-ган, тўғрими?

— Тўша-тўғри. Мамлакатимизда ҳали органик қишлоқ хўжалиги ёки органик дехқон-чилик тушунчаси тўғрисида маъ-лумотлар етарли эмас. Унинг қонун даражасидаги талаблари ҳам ҳозирча ишлаб чиқилмаган, органик тоза маҳсулот стандарт-лари ҳамда бундай маҳсулотлар-ни тартибга солидиган ва мар-

Масалан, харидор махсус сер-тификатга эга гўшт маҳсулоти табиий озуқа маҳсулотлари би-лан боқилган қўй ёки сигирни-ки эканлигини, у санитария-ги-гиена қоидаларига тўғри риоя этилган ҳолатда соғилган, сўйилган ва сақланганлигини билади. Европа мамлакатлари-да экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, даладан дўкон пештахтасигача бўлган барча жараёнлар сертификатла-нади. Худди шу тартиб-тизим йўлга қўйилсагина, органик тоза маҳсулотни истеъмолчиларга ет-казиш имкониятига эга бўлинади.

— Органик дехқончиликнинг ўзига хослиги нимада намоён бўлади? Алоҳида ёндашув фермернинг кучи, вақти ва маблағи кўп кетишига, ўз-ўзидан маҳсулотларнинг харидорлар учун нархи ошиб кетишига олиб келмайдими?

— Жуда ҳам тўғри. Органик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш-нинг ўзига хослиги, анъанавий маҳсулотларга нисбатан хара-жатларнинг юқорилиги билан фарқланади. Бунда ишлаб чи-қариш экологик тоза хава, туپ-роқ, сув ва бошқа омилларга ҳам бевосита боғлиқдир.

Экологик тоза маҳсулот этиш-тириладиган ерларда аввало 3 йил давомида тозалаш тадбир-лари ўтказилиши талаб этила-ди. Шундан сўнггина ер текши-рилиб, органик-экологик тоза маҳсулот этиштириш учун сер-тификат берилади. Маҳсулот этиштиришда турли кимёвий во-ситалар, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва генетик моди-фикацияланган экин навларини экиш қатъиян тақиқланади. Бун-га асосий агротехник тадбирлар қўл меҳнати эвазига бажарила-ди. Шундай усулда этиштирил-ган маҳсулотлар органик ёки экологик тоза маҳсулот номи-ни олади ва таркибиди 95 фоизга-ча органик модда бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, органик тоза маҳсулот этишти-

«Adolat» мухбири
Саодат СОДИҚОВА
суҳбатлашди

➤ БИЗ—БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" фестивали Тошкент шаҳарида кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Фестиваль доирасида турли мавзулардаги маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, кўргазма ва учрашувлар ташкил этилди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ!

Ушбу тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, танikli шоир ва ёзувчилар, олимлар, спортчилар, санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари фаол иштирок этдилар. Улар жойларда ўтказилган учрашувларда ёшларга мамлакатимизда ўтган 25 йил давомида амалга оширилган ислохотлар, демократик ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб беришди.

— Ёшлар фестивали биз, ўсиб келаётган авлод учун Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамни муносиб даражада нишонлаш, ўзаро бир-биримиз билан самимий мулоқот ўрнатиш, ташаббус ва фаоллини тўла намоён қилишга кенг майдон сифатида хизмат қилди, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Хасан Исмолов. — Турли тадбирлар, кўргазма, акция ва марафон-

**ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ
УЛҒАЙМОҚДА****➤ "ШУНҚОРЛАР"
ҲАРБИЙ-СПОРТ МУСОБАҚАСИ**

Жиззах шаҳрида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида анъанавий "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг республика якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш ва зирликлар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур мусобақада Қорқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ғолиб бўлган 140 нафар ёшлар иштирок этди. Улар мерганлик, югуриш, турникда тортиниш, граната улоқтириш, тўсиқли йўлақлардан ўтиш, жой топографияси каби ҳарбий-спорт ҳамда ҳукукий тайёргарлик, хорижий тил билим-донлиги сингари шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Мусобақада ҳар бир тур бўйича жамоаларнинг эпчиллиги, рухий-маънавий баркамоллиги ҳамда жисмоний тай-

ёргарликлари синондан ўтказилди.

— "Шунқорлар" мусобақасини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди "Қамолот" ЁИХ вилоят бўлими кенгаши раиси Ориф Шукуров, — Ватанини ҳимоя қилиш, эл-юрт тинчлигини сақлашга қодир мард ва жасур ўғлонларимизнинг шижоатини яна бир бор синондан ўтказиш, қолаверса, Миллий Армиямиз сафларига ҳар жиҳатдан етук аскар ва зобитларни етказиш беришдан иборатдир. Зеро, ана шундай олий мақсадларни қўлаб, мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори ҳарбий соҳада ҳам олиб борилган тизимли ислохотлар туфайли Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир ўғли учун нафакат конституциявий бурч, балки орзу қилишга сазовор касбга айланди.

Мусобақа натижаларига қўра, Наманган қурилиш ва

дизайн касб-хунар коллежсининг "Ўқинлар" жамоаси биринчи, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейнинг "Алпомиш" жамоаси иккинчи, Нукус давлат педагогика институти қошидаги 3-академик лицейнинг "Амир Темури ворислари" жамоаси учинчи ўринни қўлга киритишди.

— Мусобақада ҳарбий соҳага оид билим ва тушунчаларимизни янада бойитиш билан бирга, юртимизнинг турли вилоятларидан дўстлар орттирдик, қизиқарли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этдик, — дейди "Ўқинлар" жамоаси сардори М.Ҳабибуллаев. — Биз, ёшларнинг замонавий билим олишимиз, ўзимиз қизиққан соҳада истеъдодимизни намоён этишимиз учун кенг шароитлар яратиб бераётган Президентимиздан миннатдорим.

Ғолиблар кубок, диплом ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Adolat" мухбири

**Алишер Навоий
инсонийлик ҳақида**

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.

Эл ғуссасини сингурмагинг мақсуд эт,
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мойи дармон бўлғил.

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа ани қўрма асло раво.

**➤ ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ
ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР**

Ўртачирчиқ туманида 1-4 июнь кунлари Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий масалалар бўйича комиссияси, Тошкент вилояти бокс Федерацияси ҳамкорлигида "Соғлом бола — юрт таянчи" шиори остида болалар ва ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят очик турнири ўтказилди.

**ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА**

**ўсмирлар ўртасида бокс бўйича
вилоят очик турнири ўтказилди**

Унда Тошкент вилояти шахар ва туманлари, мамлакатимизнинг қатор вилоятлари ҳамда Қозоғистондан келган ёш спортчилар ўзаро куч синашди. 2001-2002 йилларда туғилган 100 нафарга яқин ўсмирлар иштирок этган мусобақалар кескин беллашувларга бой тарада ўтди. Якуний натижаларга қўра, умумий ҳисобда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ жамоаси олтин медаль, Қозоғистон жамоаси 2-ўринни эгаллаб, қумуш медалга, Фарғона вилояти жамоаси бронза медалга сазовор бўлди.



Биз турнир ташкилотчилари ва иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Умид Шоумаровнинг таъкидлашича, Соғлом она ва бола йилида замонавий шароитларга эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очилиши, бу ерда ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят очик турнирининг ўтказилиши юртимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларга алоҳида эътибор қўрсатилаётганининг яна бир ифодасидир. Ушбу спорт мактаби фарзандларимизнинг соғлом ва етук инсон бўлиб қамол топишга хизмат қилади.

— Беллашувлар давомида ёш спортчилар куч-ғайрати, шижоатини, ғалабага бўлган ишончини намоён этишди, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий масалалар бўйича доимий комиссияси раҳбари Зарифа Эралиева. — Вилоятимизда турли ижтимоий-маданий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ташкил этиб боришда доимий комиссиямиз ташаббус қўратишга мақсад қилган.

АИБА тоифасидаги ҳакам, Тошкент вилояти бокс Федерацияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Раҳматхон Тиллаев қуйидаги фикрларни билдирди:

— Кейинги йилларда вилоятимизнинг қатор шахар ва туманларида бокс бўйича вилоят очик турнирлари ташкил этилмоқда ва улар катта бокс байрамга айланиб кетмоқда. Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган ушбу мусобақада ҳам нафақат юртимизнинг қатор вилоятларидан, балки Қозоғистондан ҳам вакиллар иштирок этганлиги турнир нуфузи органини ифодалайди. Биз бундай очик турнирларни вилоятимизнинг бошқа шахар ва туманларида ҳам ўтказиб борамиз.

— Мусобақа жуда қизиқарли ўтди, мен 60 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни эгалладим. Бу эса республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди, — дейди Олмалик шахри вакили Ортик Қорабоев.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари тоширилди.

Неъмат ДУШАЕВ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши Чирчиқ шахар кенгаши раиси Мақсуд Умаровга волидаи муҳтарамаси

Ҳакима УМАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!****«АСАКА» БАНК**

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши
ва қўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОМОҲОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан қўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот
оширтиши томонидан 0018 рақами билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп
этилади. Қорхона манзили: Тошкент
шаҳри Буюк Тўро кўчаси, 41-уй.
Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табэк. Офсет усулида босилади.
Буюртма Г — 600. Адади — 9506
Босишга топшириш вақти — 21.30
Босишга топширилади — 22.00
Баҳоиси келишилган нархда

НАШР ҚЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

47720135210015

1 2 3 4 5